

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338.45:91:33 (575.1)**

ИНАТОВА ЗУХРА НАФАС ҚИЗИ

**ХУДУД САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ
(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

5A232301- «Минтақавий иқтисодиёт»

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф.Н.Махмудов**

ТОШКЕНТ-2021

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертациясида ҳудуд саноатини ривожлантириш кўрсаткичларининг илмий-назарий асослари ёритилган, ҳудуд саноатини ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш шарт-шароитлари таҳлил қилинган, ҳудуд саноатини ривожлантириш кўрсаткичлари такомиллаштириш истикболлари асосида хулоса ва таклифлар ишлатилган.

ANNOTATION

This master's dissertation describes the scientific and theoretical basis of regional industrial development indicators, analyzes the conditions for development of regional industrial development indicators, develops conclusions and recommendations based on the prospects for improving regional industrial development indicators.

АННОТАЦИЯ

В магистерской диссертации описаны научно-теоретические основы индикаторов регионального промышленного развития, проанализированы условия разработки индикаторов регионального промышленного развития, разработаны выводы и рекомендации, основанные на перспективах улучшения индикаторов регионального промышленного развития.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодий таҳлил прогнозлаштириш” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. _____ - сон баённома «____» _____ 2021 й.


Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Махмудов


ИМЗО

_____ сана

Магистр:

З. Инатова


ИМЗО

_____ сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ҲУДУД САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда саноат потенци- алининг аҳамияти.....	11
1.2. Ҳудуд саноатини ривожлантириш даражасини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар.....	16
1.3. Ҳудуд саноатини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари	26
I боб бўйича хулосалар.....	33
II БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ САНОАТ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Ҳудуднинг саноат тармоғини ривожлантириш кўрсаткичларини таҳлили.....	34
2.2. Тошкент шаҳрининг саноат корхоналарини ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили	45
II боб бўйича хулосалар.....	53
III БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ САНОАТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1. Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида саноатни ривожлантириш йўналишлари.....	54
3.2. Тошкент шаҳрида технопарклар ва кичик саноат зоналари ташкил этишнинг истиқболлари.....	63
III боб бўйича хулосалар.....	79
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	84

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш керак бўлади. Бу эса рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Республика иқтисодиётининг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, янги, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобидан ҳудудларда саноат тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби вазифалар долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиш юзасидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилиб бориши натижасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда «...йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим»¹.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомативи деб эътироф этилаётган саноат корхоналарининг роли ва ўрни тобора

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliv-25-01-2020>.